

Тез-тез сўраладиган саволлар

1. Турли миллатларга мансуб иммигрантлар визаси – DV лотереясида қандай рўйхатдан ўтишим мумкин?

DV дастурида расмий рўйхатдан ўтиш мумкин бўлган ЯГОНА интернет саҳифа бу www.dvlottery.state.gov дир.

2. DV дастури учун аризалар қачон қабул қилинади?

Турли Миллатга Мансуб Иммигрантлар Дастури (Грин Кард) нинг рўйхатга олиш даври ҳақида маълумот учун [Консуллик Масалалари Бюросининг Интернетдаги саҳифасида](#) жойлашган Турли Миллатга Мансуб Иммигрантлар Дастури (Грин Кард) Йўриқномаси билан танишиб чиқинг.

3. DV дастурида танланганим ҳақида хабарномани қандай билиб оламан?

Сиз сараланганликлари ҳақида маълумот олишингиз учун тасдиқлов рақам маълумотларига эга бўлишингиз керак, ва ушбу рақам ёрдамида E-DV нинг www.dvlottery.state.gov саҳифасида мавжуд бўлган [Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси](#) (Entrant Status Check) орқали мақомингизни текширишингиз мумкин.

4. E-DV аризамга оила аъзоларимнинг қайсиларини киритишим керак?

Аризага турмуш ўртоқ, (яъни эр ёки рафиқа), ҳамда 21 ёшга етмаган, ҳаёт бўлган ва турмуш қурмаган барча фарзандларни, улар асосий мурожаатчи билан бирга яшаш-яшамасликлари, ёки бирга ҳамроҳ бўлиш-бўлмасликларидан қатъий назар киритилиши зарур. Мурожаатчиларнинг аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган турмуш ўртоғи ёки фарзандларини анкетага киритиш талаб қилинмайди.

5. E-DV аризасида тўловлар мавжудми?

Электрон аризани топширишда ҳеч қандай тўлов мавжуд эмас. Кўплаб компаниялар, интернет кафелар ва бошқа воситачилар ҳақ эвазига Грин Кард лотереясига ариза топшириш бўйича аҳолига ёрдамларини таклиф этишади. АҚШ Элчихонаси бундай турдаги ташкилотларнинг ҳеч бири билан ҳамкорлик қилмайди ва уларга мутлақо алоқаси йўқ. Шуни унутмангки, бундай воситачилар хизматидан фойдаланиш шахсининг Грин Кард лотереясида ғолиб бўлиш эҳтимоллигини умуман оширмайди. Биз мурожаатчиларга ўз E-DV аризаларини топширишдаги кўмак учун тўланадиган тўловга диққатлик билан эътибор қаратишларини тавсия этамиз ва шуни ёдда тутишлари керакки, уларнинг номидан киритилган ҳар қандай маълумот учун мурожаатчининг ўзи маъсулдир. Илтимос, ёдда тутинг, лотереяда рўйхатдан ўтиш учун тўловлар мавжуд эмас ва аризангиз билан боғлиқ бўлган барча тўловлар фақатгина Сизга кўрсатилган хизмат ҳаққи ҳисобланади.

6. Агар менинг E-DV аризамда мен ва/ёки оила аъзоларимнинг биографик маълумотлари хатолик билан киритилган бўлса, визамга рад жавоби бериладими?

Ҳар бир мурожаатчи ўз электрон анкетасида DV дастур ҳар йилги йўриқномасининг талабларига асосан маълумотларни киритиши шарт. Йўриқномада қайси маълумотлар ва улар қандай киритилиши ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган. Ушбу талабларни бажармаслик ва маълумотларнинг нотўғри киритилиши асосий мурожаатчи ва унинг оила аъзоларига суҳбат куни рад жавоби берилишига олиб келиши мумкин.

7. Менинг E-DV аризамда мен асосий мурожаатчининг барча маълумотлари тўғри. Бироқ, менинг оила аъзоларимнинг маълумотларида эса хатоликларга йўл қўйилган. Мен асосий мурожаатчи виза ола оламанми?

DV дастурининг ғолиблари E-DV аризаларида киритилган барча маълумотларга ўзлари маъсулдирлар. Агар мурожаатчилар аризаларининг бирор қисмини йўриқномага амал қилмай тўлдирган бўлсалар, уларнинг аризаларига рад жавоби берилиши мумкин.

8. Электрон анкетамдаги маълумотлар ёки расмлар нотўғри киритилганлиги сабабли менинг аризамга рад жавоби берилди. Электрон тизим менинг аризамни қабул қилди ва менга суҳбат белгиланди, бу менга виза берилади дегани эмасми?

Йўқ, Сиз дастурда ғолиб бўлиб Элчихона ва Консулликда DV визасига мурожаат этишингиз Сизга виза берилишини аниқламайди. Суҳбат пайтида, Сиз DV дастурининг талаблари яъни E-DV аризасини тўғри киритганлигингиз ва АҚШ иммиграцион қонуни асосида DV визасини олиш талабларига жавоб беришингизни исботлашингиз керак.

9. Электрон анкетамдаги маълумотлар хатолик билан киритилганлиги ҳақида менинг хабарим йўқ эди, чунки менинг аризам учинчи шахс томонидан тўлдирилган. Бунинг учун мен маъсулманми?

E-DV аризасини ким тўлдиришидан қатъий назар, мурожаатчиларнинг ўзлари уларнинг номидан киритилган барча маълумотлар учун маъсулдирлар.

10. E-DV аризамда киритилган фотосуратлар DV дастури қоидалари ва йўриқномага асосан киритилмаган бўлса, нима бўлади?

Фотосурат янги (охирги 6 ой ичида) олинган бўлиши шарт. Ўтган йилги (DV-2017) дастурга топширилган расмларни қайта топшириш дастурдан четлатилишга олиб келади. Агар Сиз DV лотереясига ариза топширишда йўриқномага амал қилмаган бўлсангиз, Сизнинг аризангизга рад жавоби берилиши мумкин. E-DV тизимида ҳар бир шахснинг фотосуратлари тўғри киритилмаслиги, суҳбат пайтида асосий мурожаатчи ва унинг оила аъзоларининг визаларига рад жавоби берилишига олиб келиши мумкин. Суратлар эски ёки бирор турда ўзгартирилган бўлса ёки дастурда тавсифланган талабларга мос бўлмаса, аризалар бекор қилиниб, виза рад этилиши мумкин.

11. E-DV аризамни киритган пайтда оилавий ҳолатим уйланмаган эди. Агар мен лотереяда ғолиб бўлсам, лекин суҳбат кунидан олдин оила курсам, турмуш ўртоғимни ўзим билан олиб кетсам бўладими?

Ҳа, агар DV лотереясида ғолиб бўлган шахснинг оилавий ҳолати ўзгарса, у ҳолда бу мурожаатчининг оила аъзолари асосий мурожаатчининг аризаси асосида иммиграцион виза олиш

хукукига эга.

12. Менда фақатгина такрорий ҳолда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатларим бор, бу менга суҳбат пайтида муаммо туғдирмайдими?

Баъзи ҳолатларда, такрорий олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар қўшимча текширув талаб этиши мумкин. Биз БАҲЧА МУРОЖААТЧИЛАРГА DV дастурининг таълим бўйича талабларига жавоб беришларини исботлашга ёрдам берувчи қўшимча ҳужжатларни олиб келишларини тавсия этамиз.

13. Кентукки Консуллик Маркази (КСС) томонидан белгиланган суҳбат кунимни ўтказиб юборсам қайта суҳбат куни белгиланадими?

Биз суҳбат кунларини ўтказиб юборган мурожаатчиларга қайта суҳбат белгилаш кафолатини бермаймиз. Биз мурожаатчиларнинг КСС томонидан белгиланган ўз суҳбат кунига келишларини тавсия этамиз. Элчихонага кириш учун, мурожаатчилар суҳбат кунига паспортлари билан келишлари талаб этилади.

14. DV иммиграцион суҳбат учун талаб этилган ҳужжатларимни нотариал тасдиқлашим шартми?

Биз ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланишини талаб этмаймиз. Шунинг эътиборига олинган ҳужжатлар расмий таржимон томонидан таржима қилиниши керак. Таржима расмий тамга билан муҳрланган бўлиши керак.

15. Агар мен бошқа мамлакатда истиқомат қилсам, ўша давлатга DV иммиграцион суҳбатимни кўчирсам бўладими?

Ҳа. Агар сизнинг суҳбат кунингиз белгиланмаган бўлса, КСС билан боғланиб, суҳбатингизни бошқа Элчихона ёки Консулликка белгилашларини сўраб мурожаат этишингиз мумкин. Агар суҳбатингиз белгиланган бўлса, у ҳолда сиз ўзингиз истиқомад қилаётган мамлакатнинг АҚШ Элчихонаси Консуллик Бўлими билан боғланишингиз керак.

16. DV дастури бўйича топширилган аризага саломатлик сабабли ҳам рад жавоби олиш мумкинми?

Барча DV мурожаатчилари АҚШ Иммиграцион қонунчилиги бўйича DV визасини олиш талабларига жавоб беришлари шарт. Мурожаатчилар саломатликлари сабабли иммиграцион виза ололмастиклари ҳам мумкин.

17. DV мурожаатчилари DS-260 электрон анкетаси тўлдиришлари керакми?

Ҳа, DV дастури қолибларидан янги [DS-260](#) анкетасини тўлдириш талаб этилади.

18. DV дастури бўйича суҳбат куни Консул мендан молиявий ҳолатимни кўрсатувчи ҳужжатларни талаб қиладими?

DV дастури бўйича молиявий ҳужжатлар талаб этилмайди. Шундай бўлса ҳам, Сиз Консулни АҚШда ишлай олишингиз ва ўзингизни молиявий томондан қўллаб-қувватлай олишингизга ишонтиришингиз керак.